



Туркий кавмлар орасига руслар бостириб кириб кела бошлаган даврларидан бери турклар ёки мусулмонларни бирлаштирувчи ташкилотлари йўқ эди. Турк кавмларга мансуб шахслар фақат турк иркига дохил эканликларини ёки умуман мусулмон эканликларини билардилар. Турклар орасида фақат иркийгина эмас, балки тил бирлиги (Ўзбекистон ССР тарихи, I, 2, 292-6: «Пантуркизм ва панисломизмни Туркистонда бошлаб берганлар жаҳидлардир», деб ёзади. 1908 йил августида Туркистон бош волиилигининг шошилиш комиссияси «Туркистон мусулмонлари орасидаги фикр ҳаракатини аниқлаб, уни уч кўринишда эканлигини баён қилди: 1) нияти насроний давлат ва миллатлари босқини ва ҳукмронлигидан қутулиш бўлган панисломизми; 2) инқилоб тарафдорлари; 3) тараққийпарварлик ҳаракати. Қаранг: Бендриков, Очерки по истории, 277 - 278 б.) ва ислом динига мансублиги боисидан дин бирлиги ҳам бор эди. Турки миллий элатлар: қрим турклари, татарлар, бошқирлар, озарбайжонлар, балгарлар, доғистонликлар, Туркистон турклари (ўзбеклар, козоклар, киргизлар, туркманлар, кипчоклар, қорақалпоқлар ва тожиклар ҳам) тил, урф-одат ва дин нуқтаи назаридан бир-бирига ёт ҳисобланмасди. Бу хусусиятларига қарамастан, турки кавмларнинг эски авлодлари ўзаро ҳамжихат бўла олмадилар, таҳликали замонларда бир ёқадан бош чиқара олмадилар. Бу парокандалик уларнинг мамлакатларига русларнинг бостириб киришини қулайлаштирди. Рус ҳокимияти остида ҳам умумий бир сиёсий ташкилот туза олмадилар. Руслар ҳам сиёсий эҳтиёткорлик қилиб, бундай ҳаракатларнинг олдини олардилар.

1905 йилги рус инқилоби туфайли урус императорлигидаги баъзи мусулмон зиёлилар ўз тарихларида биринчи марта Ислам Конгресси ташкил қилиш имконига эга бўлдилар. 1905 йил 15 майда Нижний Новгород шаҳрида мусулмонларнинг биринчи конгресси

очилди. Бу Конгрессда Туркистондан биронта ҳам вакил йўқ бўлиб, Озарбайжон, Козон ва Кримдан 150 вакил иштирок этди. Конгресс сиёсий, иктисодий ҳамда ижтимоий ислохотларга эришиш, рус халқи билан бир хил ҳуқуққа эга бўлиш, миллатлар нисбати мослигига таянган конституцион монархия учун курашишда рус императорлигидаги мусулмонларни бирлашишга чақирди(Шўро назаридан ёзилган дастлабки тортишувли асарлардан бири Туркестанскийнинг «Кто такие...» асаридир. Туркестанский ўз ишида (10-6.) «Шўро давлати ва партияси» (коммунистик партия - муаллиф) айна шаклда ривожланиш, мамлакатнинг мустақиллиги ва иктисодий ўсишига тарафдордир. Жаҳидларнинг қарашлари кўп жиҳатдан коммунистик партия ҳоялари билан уйғун эди. Жаҳидлар на коммунист ва на социалистлардир. Ислохотчилар йўлбошчиларидан бири бўлмиш муфтий Махмудхўжа Бехбудий 1906 йилда рус социал-демократик партиясига аъзо бўлишини рад этиб, шундай ёзган: «Бу партияга кириш мусулмонларга мислсиз зарар келтиради». Ўзбекистон ССР тарихи, I, 2, 315-6. Ўзбекистон коммунистик партиясининг биринчи қотиби Шароф Рашидов, 1963 йил 25 январида шундай деган эди: «Шахсга сизиниш даврида баъзи ислохотчи жаҳидлар ва уларга ёндашган ўқитувчилар, ёзувчи ва матбуотчиларга қарши аёвсиз тадбирлар қўлланди. Кейинги пайтларда уларнинг поймол қилинган ҳуқуқлари қайта тикланди, аммо аксилинкилобий бир оқим бўлган жаҳидчиликнинг ҳуқуқларини тиклаш мумкин эмасди. Панисломизм ва пантуркизм жаҳидчиликнинг бош фикри эди». Киёсланг: Hayit, Sovjetrussischer Kolonialismus, 59-61-6.; Гафуров (Некоторме вопросъ; национальной политики КПСС, Москва 1959, 80 - 82 6.) Коммунизм билан курашиш воситаси сифатида Туркистондаги жаҳидчилик ислохотчилик тесқаричи (реакцион)лигини исботламокчи бўлади. Унинг фикрича, Туркистондан ташқаридаги жаҳидчилик ҳаракати империализмга қарши курашувчи бўлганлиги учун ижобий ҳаракат ҳисобланар эмиш. Булардан бошқа яна қаранг: А.Завкий, Жаҳидчилик ва коммунизм, М. - Т.: 1966, №2, 8-21-6.; Х.В. (Хайит) Нега жаҳидчиликдан кўркмокдалар, МТ, 1963, №94, 28-30-6.). 1906 йил 13-23 январда Петербургда иккинчи Конгресс уюштирилди. Мусулмонларнинг бу иккинчи конгрессида ҳам Туркистондан ҳеч ким иштирок этмади. Конгресс мусулмонларнинг ўз ҳуқуқига эга бўлиши ва халқни ўз тилида ўқитиш, тарбиялаш чораларини излади. Бу конгрессда бир ташкилот тузиш муаммосини ҳал қилишга уриниш бўлди-ю, аммо натижасиз тугади(Аристов, Заметки, 2-бет: «Охота денгизидан Шимолий Муз денгизигача ва Эгай денгизигача чўзилган ўлкаларда яшаётган 25 миллион турк факат лахжа сифатида ўзаро фаркланадиган бир тилда гаплашадилар. Хатто Ўрта Осиё турклари усмонли турклар ва ёкутларнинг тилини тушуна оладилар» (Бу ўринда ёкут тили кўпчилик туркиларга тушунарли эмаслигини кўрсатиб ўтиш лозим - таржимон].).

Мусулмонларнинг III конгресси 1906 йил 16-21 августларида Нижний Новгородда «Улфат» газетасининг асосчиси Абдурахмон Иброҳим (татар) ташаббуси билан уюштирилди. Бу конгрессда биринчи марта Аштархон ўлкасидан бўлмиш Шохмардон Кушчикул (қозок) деган туркистонлик қатнашди. Конгрессда мусулмонларнинг диққатини долзарбмасалаларга жалб қилган А.Иброҳим очди(Zenkovskiy, Pon-Turkism, 41-6.). Мусулмонларнинг бу янги ҳаракатида илк бор «социализм» атамаси қўлланилди. Иброҳим: «Социализм динимизнинг асосидир. Эсланг, пайгамбаримиз ҳар бир қарорга қилишида унинг дўстлари (саҳобалар) иштирок этишган»(Аршаруни, Очерки панисломизма, 28-6.; von Mende, Der Nationale Kampf, 100-6. Zenkovskiy, Pon-Turkism, 41-6. «Бутун Русия мусулмонлари бирлиги»нинг 2-конгрессида қабул қилинган

карашларни химоя қилади. Бу хусусидаги фикр қайта кўрилса керак, чунки бу «Бирлик» 3-конгрессда тузилган.), - деди. Хозир бўлганларнинг бирортаси бу фикрга қарши овоз бермади. Конгресснинг энг муҳим масалаларидан бири «Русия мусулмонлари иттифокини» такомиллаштириш эди. Конгресс бу иттифокнинг 72-моддали дастуриламалини муҳокамадан сўнг қабул қилди (Иброҳим шундай дейди: Бу юзйилликда мусулмонлар ва ислом динига қарши ҳар соҳада миссионерларнинг таъйиқи ортиди... Миссионерлар мактаб-мадрасаларда, масжид ва маҳаллаларда ҳаддидан ошди. Уларнинг орқасида ҳукумат турарди. Мусулмонлар диний амалларни бажаришда сикилдилар. Бундай муаммоларни ўрганиш ҳаммамиз учун зарурдир. Биз чора топмаслигимизнинг иложи йўқ... Динимизни ва ўзимизни миссионерлар қутуришидан қўрикла-моғимиз лозим. «Умумрусия мусулмонларнинг 3-расмий навалари» Москва, 19 (?), 6-76.).

Дастурнинг биринчи моддаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний соҳада ислохотни амалга оширишдан аввал бутун Русия мусулмонларининг бирлаштирилишини кўзда тутарди. Дастурнинг иккинчи бўлими инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ эди. Бу борадаги фикрлар қуйидагича: Барча одамлар амали, дин ва миллатидан қатъи назар қонун олдида баробардир (3-модда): одамларнинг дахлсизлиги... ҳар бир одам эркиндир. Маҳкама қарори бўлмасдан ҳеч киши таъқиб қилинмайди, полиция назорати ўрнатилмайди, сўрок қилинмайди, қамалмайди (5-модда), ҳар бир шахс виждон, дин эркинлигига эга (11-модда), ҳар ким сўз эркинлигига эгадир... [12-модда]».

3-бўлим рус давлатининг келажакдаги тузумига бағишланган. Давлат Конституция ва парламент воситасида ташкил этилади. 18-моддада сайлов қонунлари мусулмонларнинг аъёнчаларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозимлиги қайд қилинган.

4-бўлимда дин масалалари қўрилади. Шу бўлимнинг 20-моддасига биноан «Хамма динлар ва мазҳаблар қонунда тенг ҳуқуқли бўлиб, давлат назоратидан четдадир». 5-бўлим миллий мухторият тўғрисида бўлиб, барча миллатлар учун миллий мухторият талаб қилинади. Миллий мухторият ҳокимият амалга ошириш керак бўлган тадбирлар билан боғлиқ хамма масалаларни қамраб олади, яъни мухтор маҳкамаларнинг мухторият мақомлари тан олинади, мухторият ўлкаларининг тили давлат тили бўлади, марказий ҳукумат тили эса рус тили бўлиб қолаверади.

6-бўлимда мусулмонларнинг мустақил мафкура органи бўлиши талаб этилади.

Таълим-тарбияга тегишли бўлган 7-бўлимда ҳар бир киши учун она тилида мажбурий ўқитиш истаги баён қилинади.

8-бўлим молиявий масалаларни қамраб олиб, мухтор ўлкалар доирасида марказий давлат хазина воситасида ўзлаштирилиши кераклиги белгилаб берилди.

9-бўлимда дехқонларга ердан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши ва мусодара қилинган ерлар собиқ эгаларига қайтарилиши талаб қилинади.

10-бўлим ишчилар муаммоларини ўз ичига олиб, 64-модда ишчилар уюшма ва жамиятлар тузиш эркинлигига эга бўлиши кераклиги белгиланади (Умумрусия, 36-6. Шайх Иброҳим «сўтсиализм» сўзини қўллаш учун қаердан илҳом олганлигини ва ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошларини қандай сабабларга қўра сўтсиалист деб таърифлашининг илдизини аниқлашга муваффақ бўла олмадим.).

Бу дастурдан шу нарса очик-ойдин кўринадики, рус императорлигидаги мусулмонларнинг III конгресс-си турки қавмлари кўзлаган миллий гоёларга мос равишда иш тутган. Фақат уни амалга ошириш масаласи мушкул эди. Конгресс «Русия Мусулмонлар иттифоқи» дастури асосида иш олиб борадиган Абдурахмон Иброҳим

бошчилигида 15 кишилик «ижро хайъати» сайлади(Von Mende, Der Nationale Kampf, 101-6., программанинг беш моддасини кўрсатади. Zenkovskiy Pan-Turkism, 47 - 48 бетда ушбу программа (дастур) хақида қисқа ахборот берган.). Бу хайъат талабларини рус ҳукуматига қабул қилдира олмади. Кейинги йилларда эса мусулмонларнинг бу ҳилдаги дастурларига рус ҳукумати мутлақ эътибор бермаслиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ижро хайъатининг машҳур икки аъзоси Абдурахмон Иброҳим ва Юсуф Акчура Биринчи жаҳон уруши бошла-нишидан аввалроқ мазкур дастурни ташқи давлатлар томонидан маъқуллаштириш учун ҳаракат қилишди. 1915 йили Берлинда Юсуф Акчура бошчилигида - «Русия Мухаммадилари»(Дастурнинг асл матни учун бок: Умумрусия, илова, 16-бет.) турк-татар қавмлари халқларининг ҳимоя жаҳияти» тузилди. Бу жаҳиятга Акчурадан ташқари озарбайжонлик Хусейнзода, қрим турки Меҳмет Асат Челебизода ва Туркистондан бухоролик Муқимиддин Бекжон аъзо эдилар. Абдурахмон Иброҳим Русия императорлигидаги рус бўлмаган миллатлар вакиллари томонидан Биринчи жаҳон уруши бошларида Стокгольмда ташкил қилинган «Русиядаги ёт миллатлар жаҳияти»га Русия мусулмонларининг вакили сифатида қиритилди. Бу жаҳият 1916 йил 9 майда Америка президенти Вилсонга бир хат йўллади. Бу хатда Русиядан шикоят қилиниб, мусулмонларнинг ҳуррият ҳақидаги орзулари қуйидагича арз қилинди: «Биз, 25 миллионли Русия мусулмонлари, бизга нисбатан қулларча муомаладан арз қилаямиз. Динимизнинг яшаши учун ғайриқонуний тўсиқлар яратилмоқда. Сиёсий таъқибдамиз. Ерларимиз амалдор ва лаганбардор русларга тортиқ қилинмоқда. Маданиятимиз ҳам таъқибга учраган. Ҳар соҳада ноҳақ қамситишларга чидашга маҳкумиз. Уруш мобайнида эса ҳар қандай адолатнинг оғзи юмилди. Таъқиб ва ҳўрлик остидамиз»(Хайъат аъзолари: Юсуф Акчура, Саид Гирей-Алкин, Исмаил Га-спирали Бей, Али Мурод Тўпчибоши, Абдулла Афнаёй, Олимжон ал Барудий, Садри Максудий, Хайдар Сиртлонов, Муса Беғиев Абдулла Бубий, Ходи Максудий Мустафо Давудович, Шохмардон Қушқуқул, Салим Гирей Жантурин. Киёсланг: Умумрусия, 148,168-бет.). «Русия мусулмонлари, турк-татар қавмлари ҳуқуқларини ҳимоя жаҳияти» аъзолари 1915 йили Будапешт, Вена, Берлин ва Софияни кезиб, Русия босқинига учраган турк қавмларининг иродасини Оврўпо давлатларига баён қилди. 1915 йил 8 декабрида Акчура жаҳият ва турки қавмлар номидан: Бухоро, Хива ва Туркистоннинг рус ҳокимиятидан озод қилиниб, Бухоро, Хиванинг ва мустақил Туркистонни ташкил этиши; Қирғизистон (қозоқ ва қирғизлар), Қозон ва Қрим хонлигида идора ва сиёсий мустақилликни қайта тиклаш; Озарбайжоннинг мустақил бўлиши ва Қазар денғизи билан Волга дарёси орасидаги ҳдвзанинг бетараф ҳолга қелтириши учун марказий Оврўпо ҳукуматларига илтимоснома тарқатди. Жаҳият аъзолари 1915 йил декабрида Австрия бош ноғири ва ташқи ишлар ноғири томонидан қабул қилинди(Мусулмонлар ўз-ўзларини «Мухаммадий» дейишмайди. Бу мавҳум сўзни манбага ҳилоф иш тутмаслик учун қўлладик (Оврўпо манбаларида шундай қўлланилади).). Жаҳият 1916 йилда Русия императорлиги ҳудудидаги турки қавмлар ҳаракатларига доир билдириш нашр этди. Бу билдиришда Туркистон муаммосига алоҳида эътибор берилди(Ravenstein. Die Not, 1916, 99-6.). Бошқа масалалар қаторида, қуйидаги масалага, айниқса, диққат қилинди: «XIX юзйилликда Русия қўшинлари Туркистонни босиб олиш учун тайёргарлик қўрганларида, қисман Оврўподан ўзлаштирган моддий-техник воситалар ёрдамида, қисман бир-бирига душманлик ҳиссиётида бўлган Туркистоннинг қичиқ хонлиқларини ўзаро ғижғижлаш воситасида зафар қозондилар»(Ағаўғлу, Акчура ва Хусайнзода 1916 йил 16 майда туркий қавмлар номидан бош ноғир Вилсонга

телеграф билан бошқа бир баёнот ҳам жўнатдилар. Киёсланг: Tiirk Yiirdii X. 96-6. Wl., XXII, 18-6.).

Жамият Бухоро ва Хиванинг мустакиллиги учун алоҳида гайрат килди. Билдиришнинг давомида шундай дейилади:

«Ярим мустакил Бухоро ва Хива хонликлари Амударёнинг ўнг соҳилига жойлашган. Русиянинг зўрлик билан қабул қилдирган битимларига биноан Бухоро ва Хива ташки ишлар ихтиёрини батамом русларга топширишга мажбур қилинган. Ички ишларда эса фуқароларнинг тараққиёти, маърифати учун ҳеч қандай шароит яратмаслик шарти билан мустақилдилар...

Агар мавжуд ҳолат саклаб қолинар экан, унда шуни кўз олдингизда тутишингиз керакки, ўтмиш маданияти ниятда юксак бўлган бу кавмларни Россия сиёсий ва иқтисодий манфаатларига бўйсундириш руслардан маданий жиҳатдан устун бўлган бу кавмларни батамом йўқ қилишга розилик бериш демакдир. Инсон зотининг тараққиёти табиатига мос келмаган бу ҳодисага монелик қилиш учун Бухоро ва Хива хонликларини рус асоратидан тамоман қутқариш ва уларнинг мустақиллигини таъсис этиш зарурдир» (Аршаруни, Очерки панисломизма, 56-6.).

Жамият Бухоро ва Хива хонликларининг Туркистон бош волилигига тортиб олиб берилган ерларини қайтариш кераклигини қаттиқталаб қилди (Denischrift (Muhtira) (баёнот), 37-6.: «Махсус қонунлар» номи билан Туркистон бош волилигида қўлланилган одатдаги ҳарбий ҳуқуқ тушунилади.). Бундан ташқари, Акчура ўз маърузаларида турки кавмлар учун мухторият талаб қилди ҳамда турк улусининг орзуларини баён қилди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1916 йилги Туркистон кўзғолонига бу жамиятнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

Жамият 1911 йили Брюсселда тузилган «Миллатлар бирлиги» билан 1916 йили алоқа ўрнатди. Бу ташкилот Лозанн конгрессига қадар Россия турклари билан шугулланмаганлиги учун бу масала уларнинг фаолиятдан четда эди. Туркистонликлар ва бошқа турк кавмлари «Миллатлар бирлиги»нинг I ва II конгрессларида иштирок этмаган (Қўмита билан кўзғолончилар орасида бирор алоқа бор ёки йўқлигини на 1916 йил исёни билан чуқур шугулланган рус манбаларида, на кўзғолонни кичик-кичик воқеаларига қадар ойдинлаштиришга интилан миллий манбаларда ҳеч бир нарса қайд қилинмаган.). Қўлдан чиқарилган бу имкониятни 1916 йил 27-29 июнда Лозаннда бўлиб ўтган Миллатлар конгрессида иштирок этиш билан тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Туркистон вакиллари Муқимиддин Бекжон ва Аҳмад Сардорлар Туркистон муаммоси билан боғлиқ масалани кўришни сўрадилар. Бекжон чигатой миллатининг вакили сифатида, Аҳмад Сардор эса козок-киргиз миллатининг вакили сифатида қатнашдилар. Бекжоннинг фикрича, Бухоро ва Хива хонликлари билан Туркистон бош волилиги чигатой улусини ташкил этарди (Яэшка Г., Дозанн конгрессида Россия маҳкуми миллатлар, «Ши-молий Кавказия», июн-август 1937, №38-40.).

Бекжон Бухоронинг тўлиқ мустақиллигини тиклаш учун ҳаракат қилиш борасида «Миллатлар бирлиги»нинг III конгрессидаги нутқида шундай деди: «Руслар бу мамлакатни гайриконуний ҳолда ҳамда сабабсиз босиб олдилар. Улар мамлакатни ва миллатни талаш учун қилдилар. 1899 йилги ишларда Сассикқўл битими-да руслар Бухоронинг ички мустақиллигини тан олишганди. Аммо битимга амал қилмадилар. Амир ҳозир ҳам рус вилоятининг бир ҳокимидан бошқа ҳуқуққа эга эмас. Бухорода ярим асрлик рус ҳокимияти унинг иқтисодий ва маданий тараққиётига ҳеч бир фойда қилтирмади. Аксинча, бунга монелик қилди. Суннийлар билан шиалар ўртасидаги 1909 йилги

тўс-тўполон тўғридан-тўғри русларнинг игвоси натижасидир. Шу бахонада амирликнинг ичкарисига кўшинларини ки-ритиб, муҳим ҳарбий нукталарни эгаллаб олдилар. Рус ҳукумати миллий матбуотга рухсат бермади. Кўшни мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш Бухорога ман қилинди. Руслар ўзларини маданият таркатувчилар деб жар солаётган бўлсалар ҳам, аслида, миллий раванкимиз учун муттасил тўскинлик қилиб келмоқдалар. Шу сабабли мустанкилликимизни, биздан ўғирланган меросларимизни ва руслар босиб олган ерларимизни қайтариб олишни истаймиз» (Тоған, Вугіпкү, 477-6. Аҳмад Сафар ва Бекжон ахборотларини алоҳида-алоҳида ҳолда 18 саҳифада француз тилида ёзилган брошюра тарзида конгрессга ҳавола қилдилар. Бекжоннинг ахбороти 3 бетдан иборат эди.).

Аҳмад Сардор эса нутқида козокларнинг мухториятини ва 1735 йилда Султон Абулхайр билан Русия ўртасида имзоланган битимга асосан ер муаммоларини ҳал қилишни талаб қилди. У яна руслар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш учун «Дашт қонунилни бекор қилишни, козоклар тўлаётган солиқни умум фойдасига сарф қилинишини, яъни козоклар таълим-тарбияси ва соғлиғини сақлаш учун ишлатилиши истагини билдирди (Кичик Юз билан Русия орасида 1735 йил тузилган шартномага биноан Русия Кичик Юз ерларини ҳимоя қилиши ва козокларни ўз ҳолига қолдириб қетиши керак эди. Аммо Русия битимга содиқ қолмади ва козокларнинг ерлари рус қелгиндиларга тақсим қилиб берилди. Шу сабабли руслар билан козоклар ўртасида ер масаласида ихтилоф қелиб қикди.).

«Мусулмонлар иттифоқи» рус ҳокимияти доирасида фаолият кўрсатиши мумкин бўлмай қолди. Бунинг ўрнига Думадаги мусулмон гуруҳи, айниқса, 1916 йили алоҳида фаолият кўрсатиб, Туркистондаги кўзғолонни муҳофаза қилди. 1916 йилнинг охирида Керенский бошчилигидаги бир гуруҳни кўзғолон сабабларини текшириш учун Туркистонга жўнатишга муваффақ бўлди. Бу комиссия халқнинг оғир толеини енгиллатмади, фақат рус ҳукуматининг Туркистондаги игвогарлик ва инсофсизликка таянган сиёсатини қоралади, ҳолос.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан